

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

971 «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1466-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий суди ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2005 йил 17 мартдаги 2005-35, 103 ва 20-21-3-сон «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1466, 2005 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 108-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлигининг 2006 йил 24 ноябрдаги 2006-49, СП-01/752, 30-сон «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1466-1, 2006 йил 24 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 471-модда)

2. Мазкур қарор «Ўзбекэнерго» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
2017-45-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

36 (796)-сон

Олий суд раиси

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
08/УМ-156-17-сон

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
8-сон

— 211 —

971-972-моддалар

К. КАМИЛОВ

Р. ДАВЛЕТОВ

Келишилди:

**«Ўзбекэнерго» АЖ
бошқарув раиси**

2017 йил 28 август

У. МУСТАФОЕВ